

ЧЎЛПОН АСАРЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ЧЎЛПОННИНГ СЎЗ ТАНЛАШ МАҲОРАТИ

Маъруф ЙЎЛДОШЕВ

*филология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти*

Маънодош сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойлик даражасини кўрсатиб берувчи ўзига хос воситадир. Айни пайтда тилда маънодош сўзларнинг кўп бўлиши тилнинг эстетик вазифасини янада тўлиқ бажара олишини осонлаштиради. Бу жуда қадим замонлардан бери анланган, идрок этилган ва ўрганилган. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида маънодош сўзларни туркий тилнинг форсий тилдан қолишмайдиган, ҳатто ундан устун турадиган тил эканлигини исботлаш учун далиллардан бири сифатида келтирган эди. Чўлпон ўзининг “Кеча ва кундуз” деб номланган романида маънодош сўзлардан ўзига хос тарзда фойдалана билган. Маълумки, ўзбек тили маънодош сўзларга жуда бой. Чўлпон тилимиздаги ана шундай сўзлар орасидан романда тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ сўзни сайлаб қўллаш орқали мазмуннинг энг нозик нуқталари, қаҳрамон руҳияти, тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатишга эришган. Ёзувчининг маънодош сўзлардан фойдаланишидаги маҳоратини ўрганишда, асосан, икки жиҳатга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ. Улардан бири ёзувчининг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбул бирини танлаши бўлса, иккинчиси айни бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллашидир.

Сўзларнинг маънодошлиги масаласи замонавий тилшуносликларда ҳам анчайин муфассал тадқиқ этилган. “Маънодошлик(синонимия) қаторлари ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган лексик парадигмалардан биридир. Шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил сўзлар қатори муайян ўхшашлик асосида бир неча тил бирликларининг ўзаро боғланиши, бу бирликлар орасидаги муайян фарқлар, уларнинг табиати ва юзага чиқиши кабилар махсус илмий ишларда, ўнлаб қўлланма ва дарсликларда ўз ечимини топган” (Неъматов, Расулов, 1995: 105).

Маънодош сўзлар шунчаки ҳашамдорлик эмас, балки тилнинг чинакам бойлигидир. Асосий маънодаги бир хиллик бундай сўзларнинг тилда яшаши учун имкон берган омил эмас. Г. В. Колшанский таъкидлаганидек, тил айнан бир нарса ифодаси учун бутун бир сўзлар қаторининг мавжуд бўлишига йўл қўядиган исрофгар система бўлиши асло мумкин эмас (Колшанский, 1980: 109).

Бу масалага профессор А.Ҳожиев алоҳида эътибор берган: “Синонимларнинг семантик структурасида бир хил бўлган қисм, бирлаштирувчи лексик маънодан ташқари яна бошқа қисмлар ҳар бир синонимда ўзига хос, бошқасидагидан фарқли бўлади. Ана шу фарқлар синонимлардан ҳар бирининг тилда яшашини, тилда ҳар бирининг қўлланиш ўрнини таъминлайди. Тилда ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг бўлган, ҳар жиҳатдан бир-бирини қоплайдиган икки ёки ундан ортиқ сўзнинг бўлишига эҳтиёж йўқ. Эҳтиёж йўқ экан, бундай хусусиятли сўзлар ҳам бўлмайди. Демак, тилда синонимларнинг борлигининг ўзиёқ ўзаро синоним бўлган ҳар бир сўз ўзига хос қандайдир хусусиятга ёки хусусиятларга эгаллигини кўрсатади” (Ўзбек тили лексикологияси, 1981:241). Бадиий ифодалилик воситаларини систем тадқиқ этиш, антик риторика назариясини янги талқинини яратиш мақсадида “μ” (юнонча “метафора” сўзининг бош ҳарфидан) гуруҳи сифатида бирлашган олти француз олими ҳамкорликда яратган китобда “айнан бир хил мазмунга эга бўлган синонимлар коннотация сатҳида бир-бирларидан фарқ қилиши” таъкидлаб кўрсатилган (Дюбуа, Пир, Тринон, 1986: 108).

Маънодош сўзларнинг илмий талқинларига суянган ҳолда, бундай сўзларнинг аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари эса фарқли сўзлар эканлигини ҳисобга олсак, тилда бундай сўзларнинг мавжудлиги ёзувчи учун, бадиий тасвир учун бениҳоя катта имконият эканлигини англаш қийин эмас. Ҳатто Аристотель ўзининг “Риторика” асарида маънодош сўзларнинг адиб учун фойдали эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Ўзбек адабиётининг XX аср бошларида яшаб ижод қилган маҳоратли адиби Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон (1897-1938) ўзининг машҳур “Кеча ва кундуз” деб номланган романида маънодош сўзлардан ўзига хос бир тарзда фойдалана билган. Маълумки, ўзбек тили маънодош сўзларга жуда бой. Чўлпон тилимиздаги ана шундай сўзлар орасидан романда тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ сўзни сайлаб қўллаш орқали мазмуннинг энг нозик нуқталари, қаҳрамон руҳияси, тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатишга эришган.

Ёзувчининг маънодош сўзлардан фойдаланишидаги маҳоратини ўрганишда, асосан, икки жиҳатга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ. Улардан бири ёзувчининг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбул бирини танлаши бўлса, иккинчиси айни бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллашидир.

Масалан, ўзбек тилида ўрамоқ, буркамоқ, чулғамоқ, чирмамоқ тарзидаги маънодош сўзлар қатори мавжуд бўлиб, буркамоқ сўзида ўрамоқ сўзига нисбатан ўраш белгиси анчайин ортиқ, яъни унинг маъно қурилишида “ҳеч бир

очик жойини қолдирмай” деган қўшимча ифода семаси мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу парчада Чўлпон тегишли мазмун ифодаси учун ўрамоқ сўзини эмас, балки айна буркамоқ сўзини танлаш орқали тасвирдаги аниқлик ва экспрессивликни оширишга муваффақ бўлган: *Ҳали тузук-қуруқ одам қаторига кириб етмаган бу қизчани катта хотинларнинг орият паранжисига буркаганлар, паранжининг узун этаклари катта бир тугундек унинг қўлтигини тўлгазарди*(Чўлпон, 1993: 5). Парчадаги иккинчи жумла эса буркаганлар сўзида ифодаланган белгининг кучлилигини яна ҳам таъкидлаб кўрсатган.

Тилимиздаги хафа, дилгир, ранжиган тарзидаги маънодош сўзлар қаторидаги дилгир сўзидаги “хафалик” белгисининг кучлилик даражаси хафа сўзидагига нисбатан анчайин пастроқ. Шунинг учун ҳам баджаҳл Раззоқ сўфининг хотини Қурвонбиби эрига ёлғон бир гапни айтар экан, хафа ёки ранжиган сўзини эмас, дилгир сўзини қўллайдики, унинг эри олдидаги чўчиши ҳам урғу олади: *Эшонбобом сиздан дилгир эмишлар, - дейди бир кун Қурвонбиби сўфига* (Чўлпон, 1993: 11).

Уста, моҳир, маҳоратли, омилкор, миришкор, фаранг тарзидаги маънодош сўзлар орасида фаранг сўзининг тегишли маъноси таркибида, аввало, белгининг жуда ҳам ортиқлиги ифодаланган, ундан ташқари, тасвир объектига сўзловчининг ижобий муносабатидан иборат коннотация жуда очик акс этган. Ушбу парчада айна шу сўзгина мақтангиси келиб турган Раззоқ сўфининг ҳолатини тўлиқ ва тўғри кўрсатишга хизмат қилган: *Ахлиямиз ҳам уччига чиққан чевар, худога шукур. Ожизамиз ҳам тўпти тикишга “фаранг” бўлиб чиқди! Рўзгорнинг кўп-камларини ўзлари битиришади* (Чўлпон, 1993: 13).

Ушбу жумлаларга эътибор қилайлик: *Ўрганган қиз ичкари эшикдан хатлар-хатламас паранжини ирғитди ва ўзининг болалик руҳи билан югурганича бориб Зебини қучоқлади*(Чўлпон, 1993: 5). *Сўфи булар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзариб-гезариб турди... Кейин салласини Қурвонбибига узатиб, устидаги малла яхтагини олисдан туриб картга ирғитди* (Чўлпон, 1993: 17). Тилимизда отмоқ, улоқтирмақ, ирғитмоқ, итқитмоқ маънодош сўзлар қатори бор, ёзувчи ушбу тасвирларда айнан ирғитмоқ сўзини шунинг учун танлаганки, бу сўзда ҳаракатнинг жаҳл аралаш амалга ошишидан иборат қўшимча маъно нозиклиги мавжуд.

Алангламоқ, жалангламоқ маънодош сўзларининг иккинчиси “тахлика билан”, “ёқимсиз (яъни салбий муносабат)” қўшимча ифода семалари билан ажралиб туради. Ёзувчи ана шуни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги парчада худди шу сўзни танлаган: *Бу сўзлар ярим пичирлаш овози билан ҳам кўзлар икки томонга жаланглаб туриб айтилганидан келинчакнинг кўнгли дув этиб олди* (Чўлпон, 1993: 39).

Чўлпоннинг тилимиздаги бениҳоя кўп ва бой маънодош сўзлар қаторини гавҳар саралагандай бир-бир бадиият элагидан ўтказиб романдаги воқеа-ходиса, ҳолат-руҳият мазмунига мувофиқларини асар тилига олиб кирганлигини далилловчи бундай мисолларни кетма-кет келтиравериш мумкин. Нима учун у ёки бу ифодада бир қанча маънодош сўзлардан айнан шу биттасини танлаганлигининг лингвопоэтик асосларини излаш ва топишни давом эттириш керакдир. Аммо адибнинг роман устидаги иш жараёнлари юзасидан маълумотлар йўқ, роман адибнинг ҳаётлигида китоб ҳолида бир мартагина нашр этилган, холос. Табиийки, адибнинг роман тилига сайқал бериш, тузатишлар киритиш, бир сўз ёки ифоданинг бошқаси билан алмаштириш кабилар борасидаги фаолияти биз учун қоронғи. Шунинг учун ҳам ёзувчининг тилимиздаги маънодош сўзлар қаторидан энг мувофиқини танлаш соҳасидаги ютуқларини кўрсатишга уриниш лингвопоэтик талқин ва тахминлар тарзида тақдим этилиши мумкин.

Ойбекнинг “Навоий” романи кўлёмаси мавжуд, ундан ташқари, бу асар ёзувчининг тириклигида ҳам бир неча бор нашр этилган. Демакки, ёзувчи асар матни устида такрор ва такрор ишлаган, тузатишлар қилган, айрим сўзларни маънодошлари билан алмаштирган. Ана шу материаллар асосида Ойбекнинг маънодош сўзларни танлаши ва энг мақбулини матнга олиб кириши, бунда ёзувчининг маҳорати масалалари лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Маънодош сўзлардан икки ёки ундан ортигини айтиб берилганда аниқ бадиий мақсадга бўйсундирган ҳолда қўллаш масаласида ҳам Чўлпоннинг маҳорати алоҳида диққатга сазовордир.

Тилшуносликда маънодошликнинг, асосан, уч тури фарқланади, яъни: 1) лексик маънодошлик, 2) фразеологик маънодошлик ва 3) лексик-фразеологик маънодошлик.

“Кеча ва кундуз” романида маънодошликнинг бу ҳар учала турини ҳам кузатиш мумкин.

Лексик маънодошликдан ёзувчи энг жўн ҳолатда тил бирликларининг такрори натижасида юзага келадиган ифода камбағаллиги, рангсизлигидан қочиш учун фойдаланади. Маълумки, айтиб берилган тил бирлигининг муайян нутқ парчасида бир неча бор такрорланиши, нутқ учун, айтиқса, бадиий нутқ учун мақбул ҳолат эмас. Бундай такрорни йўқотишда маънодош сўзлар энг қулай воситадир. Масалан, куйидаги парчага эътибор қилайлик: *Иккала ўртоқнинг шарақ-шарақ гаплашган, бир-бирларига севинч билдиришган қувноқ ва баланд овозлари бошқа ҳамма унларни босиб кетди* (Чўлпон, 1993: 24). Овоз сўзининг маънодоши бўлмиш ун сўзи айтиб овоз сўзининг иккинчи марта такрорланишидан қутқарган. Бундай ҳолатлар учун романдан кўплаб мисоллар

келтириш мумкин. Аммо Чўлпондай катта маҳоратли ёзувчи учун булар, табиийки, одатдаги “арифметика”дир.

Чўлпоннинг асл тил маҳорати унинг лексик маънодошликдан тасвир тиниклиги, ифодадаги муайян нуқтага урғу бериш мақсадларида фойдаланишида яхши кўринади. Масалан, куйидаги гапда “китобий” ифода семасига эга қалб ва одатдаги дил маънодош сўзларини ёнма-ён қўллаш орқали ёзувчи айна шу объектга алоҳида урғу, таъкид берган: *Ҳолбуки, мусулмонлик кийимда эмас, қалбда, дилда*(Чўлпон, 1993: 186).

Романда қўлланган маънодош сўзлар аксар ҳолларда ифодалилик, экспрессивликнинг кучайиб бориши, даражама-даража ортиб бориши, яъни интенсивлик семантик категориясининг воқеланишига хизмат қилади (Бу ҳақда қаранг: Туранский, 1990: 7). Бошқача қилиб айтганда, ифодаланаётган тушунча белгисининг тасвир мақсадига уйғун ҳолатда сифат ва миқдор жиҳатидан ўсиб боришини яққол акс эттиришга имкон беради. Масалан, яхши, тузук, дуруст, соз маънодош сўзлар қаторидаги яхши сўзи ижобий белги-хусусиятни нормал даражада ифодалаб кенг қўлланади ва шунинг учун ҳам мазкур қаторнинг бош (доминанта) сўзи ҳисобланади. Бу қатордаги соз сўзи эса айна белгини кучли даражаси билан ифодалайди. Мана бу жумлада буни кўриш мумкин: *Зебихон билан келган бошқа қизлар ҳам бири-биридан яхши, бири-биридан соз, бири-биридан очиқ, бири-биридан қувноқ...*(Чўлпон, 1993: 47).

Ёзувчи салбий белгини кучайтириш, ифодалиликни янада қуюқлаштириш мақсадида хунук ва бадбашара маънодош сўзларини ёнма-ён қўллайди: *Хўш, мингбошининг ўзи одамлар айтгандай жуда хунук ва бадбашара одамми?* (Чўлпон, 1993: 237). Жумладаги бадбашара сўзида белги даражаси анча кучли, бунинг устига, салбий муносабат ҳам очиқ ифодаланган.

Кўпинча, романда бирданига учта маънодош сўз ёнма-ён қўлланади ва ифода семалари белгининг даражаланган ҳолда ифодаланишига хизмат қилади, китобхоннинг тасвирланаётган белгидан таъсирланиши ортади. Шу йўл билан яхлит ифодадаги экспрессия қуюқлашади. Ушбу мисоллардаги олчоқ, паст, аянч ҳамда ювош, мулойим, беозор сўзларидан иборат маънодошлик қаторларининг қўлланишида буни кўриш мумкин: *Чунки у -бир ит! Олчоқ, паст ва аянч бир ит!* (Чўлпон, 1993: 153). *Ғалати, ювош, мулойим, беозор ва аянч назар билан Зебига қаради ва иккала қўлини қўйиб юбориб, бошини бир томонга шилқ этиб ташлади...* (Чўлпон, 1993: 245).

Баъзан белгининг камайиб боришини даражалаб кўрсатар экан, ёзувчи маънодош сўзларга **-гина** қўшимчасини ҳам қўшадики, бунда белгининг ожайиши яна ҳам таъкидланади: *Умрингда бир марта салгина, пичагина, қиттайгина итликни ташлаш, одам бўлиш фурсати топилбди-ю, шунда ҳам мағрур бўйнингни жиндаккина эггинг келмайдими?* (Чўлпон, 1993: 129).

Шуни ҳам таъкидламоқ керакки, романда, кўпинча, бир неча маънодош сўз бир жумланинг ўзида ёнма-ён қўлланганда, уларнинг ҳар бирини алоҳида ажратиб кўрсатиш, ифодадаги экспрессивликни янада ошириш мақсадида бу сўзларнинг олдидан шундай типдаги сифатловчи-кучайтирувчи сўз келтирилади: *Шундай ўртоқнинг шундай ширин муомалалари олдида шундай тескари, шундай ўжар ва қайсар отанинг борлиги ҳам унутилган эмасмиди?* (Чўлпон, 1993: 16).

Ўзбек тилида одатда уюшиқ бўлақлар вазифасидаги сўзларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида грамматик кўшимча ёки кўмакчилар қўшилмайди, балки энг охиргисига қўшилади, шунинг ўзи етарли ҳисобланади. Аммо уюшиқ бўлақ сифатида қўлланилган маънодош сўзларнинг ҳар биридан кейин, масалан, билан кўмакчисини келтириш даражама-даража ортиб бораётган тушунча белгисининг алоҳида-алоҳида таъкидланишига хизмат қилади, бунда ифоданинг таъсирчанлиги сезиларли кучаяди. Масалан: *Жаҳл билан, газаб билан, туюқши билан бу тўғрида ҳеч нарса қилиб бўлмайди* (Чўлпон, 1993: 83).

Романда фразеологик маънодошликнинг ҳам гўзал намуналари мавжуд. Тилимиздаги аччиғини келтирмоқ ва қашини кўзғатмоқ иборалари ўзаро маънодош, улар романда бир қадар бир-бирига қаршилантирилган ҳолда қўлланган: *Бунинг учун сўфининг аччиғини келтирадиган эмас, унинг бир оз гашини қўзғататурган бир гап айтиб қўяди* (Чўлпон, 1993: 11). Икки ибора маънолари таркибидаги кўшимча маъно нозикликларида анчайин фарқ бор, яъни иккинчи иборадаги ҳаракатнинг миқдорий даражаси паст. Маънодошлик қаторида фарқловчи белгилар қанчалик кўп ва катта бўлса, қатор таркибидаги birlikларнинг ёнма-ён келиши шунчалик бадий қимматга эга бўлади. Бунинг устига айни жумланинг синтактик қурилиши ҳам бу фарқнинг алоҳида таъкидланиши учун мосдир.

Ўзбек тилидаги қовоғи солиқ ва юзи кулмас иборалари ҳам маънодош, айтиш мумкинки, бу иборалар мантиқий боғлиқликка ҳам эга. Романда бу иборалар қуйидагича қўлланган: *қиз шўрлик у - бир умр қовоғи солиқ ва юзи кулмас отадан ҳеч бир хайрият кутмайди* (Чўлпон, 1993: 37). Бу ўринда маънодош ибораларнинг айни бир сифатни деталлаштириб тасвирлашга хизмат қилаётганини ҳам сезмаслик мумкин эмас.

Лексик-фразеологик маънодошликнинг узвларидан бири сўз, бошқаси иборадан иборат бўлиб, романда улар биргалашиб муайян мазмунни қуюқ экспрессия билан ифодалашга хизмат қилган. Бунда сўз маъносидаги ифода семасини ибора ёки ибора маъносидаги шундай маъно қиррасини сўз бўрттиришга ёрдам беради. Масалан: *Уйида вақтида Раззоқ сўфи... лабларини ари чаққан одамдай оғиз очмасдан, индамасдан юра беради* (Чўлпон, 1993: 11). *Худо етказди, албатта! Шунда ҳам бандаси ҳаракат қилса, қимирласа*

етказади-да! (Чўлпон, 1993: 16). *Адо бўлдим мен мундан!.. Куйдим мен мундан...* (Чўлпон, 1993: 96).

Баъзи ҳолларда романда лексик фразеологик маънодошлик таркибидаги сўз ва иборалар бирдан ортиқ бўлиб ҳам келади, бу ҳол объектни деталлаштириб, икир-чикирларигача кўрсатиб тасвирлашга, ифодалиликни оширишга имкон беради. Масалан: *У енгган, ютган, ошиги олчи келган, деганини бўлдирган кундаш эмасми? Нима гами бўлсин?* (Чўлпон, 1993: 236). *Сўзга қанча эпчил бўлса, Раззоқ сўфи шу қадар камган, индамас, дамани ичига солган, зиқна одам эди* (Чўлпон, 1993: 10).

Катта маҳоратли ёзувчиларнинг бадиий тил борасидаги усталикларидан бири шундаки, улар фақат тилда мавжуд бўлган, тайёр маънодош сўзлардангина фойдаланиб қолмасдан, бадиий тасвир эҳтиёжига кўра маънодош бўлмаган сўзларни ҳам шундай қўллайдиларки, бу сўзлар ҳам матнда худди маънодош сўзлар каби идрок этилади.

Бундай ҳолатдаги маънодошлик тилшуносликда “контекстуал (нуткий) синонимия” номи билан юритилади: “Лексик маъно билан лексик қўллаш орасидаги (фразеологик маъно билан фразеологик қўллаш орасидаги) синонимик муносабат контекстуал синонимия деб номланиши мумкин. Контекстуал синонимия ранг-баранг кўринишларга эга. Бундай синонимик муносабат ҳар гал нутқнинг ўзида воқе бўлади, шу конкрет нутқдан ташқарида йўққа чиқади” (Турсунов, Мухторов, Раҳматуллаев, 1975: 34). Маънодош бўлмаган сўзларни маънодошлар сифатида қўллашда, “маънодошлаштириш”да контекст ҳал қилувчи роль ўйнайди. Контекст муайян сўзга бутунлай бошқа сўзга хос бўлган маънода қўлланиш учун имконият берадики, бу тилнинг ифодалилиги учун замин ҳозирлайди ва санъаткорнинг лисоний-бадиий воситаларини бойитади (Колшанский, 1980: 107).

Чўлпон романда турли фарқли маъноли тил бирликларини ана шундай маънодошлик касб этиши учун энг қулай бўлган мазмуни бақувват контекстлар яратган. Айтиш мумкинки, Чўлпон маънодошликнинг моҳияти ва мезонларини кенгайтирган. Масалан: *Кечагина қарғаб, сўкиб, “ўлдирсам!” деб юрган кундошини ўпиб, қучоқлаб, силаб-сийпаб бир нафасда иккаласи “қалин дўст” бўлган эмишлар* (Чўлпон, 1993: 163). Кўриниб турганидай, қарғаб, сўкиб, “ўлдирсам!” деб сўз шакллари ҳамда ўпиб, қучоқлаб, силаб-сийпаб сўз шакллари тилда маънодошлик қаторларини ташкил этмайди, бу сўзлар тилнинг луғат таркибида бошқа-бошқа маънодошлик қаторларининг узвларидир. Аммо айтилган матнда улар икки маънодошлик қаторини ташкил этган. Душманлик ва дўстлик кайфиятининг “расм”и интенсивлаштирилган бир шаклда ифодаланишида айтилган шу контекстуал маънодош сўзлар алоҳида роль ўйнаган. Қаҳрамон руҳиятидаги душманлик туйғуларининг дўстлик туйғулари билан бирданига

алмашинуви бу икки маънодошлик қаторининг бир-бирига контекстуал зидлигининг юзага келтирилиши орқали яққоллашган.

Романда бундай контекстуал маънодошлик қатори кўпинча уч сўздан иборат бўлади. Шунингдек, аксар ҳолларда феъл, сифат ёки от туркумидаги сўзлар ана шундай маънодош тарзда қўлланади. Масалан: *Тажангланиб, хафа бўлиб, қизиб сўраймиз* (Чўлпон, 1993: 132). *Тарбиясиз, онгсиз, нодон мусулмон хотин билан тарбиялик маданий овруपालини солиштириб кўрасиз* (Чўлпон, 1993: 178). *Уюшган, мажолсиз ва бўшанг оёқларини судраб, энг яқин ҳаммомга етиб боргунича тонг отиб, кўча-кўйда одамлар ўрмалаша бошладилар* (Чўлпон, 1993: 153). *Фақат.. озингга эҳтиёт бўл... фақат... ишонини бошиқа, иш, амал, воқеа - яна бошиқа* (Чўлпон, 1993: 132).

Баъзи ҳолларда эса контекстуал маънодошлик қатори учдан ортиқ, ҳатто олти-етти сўздан иборат бўлиши ҳам кузатилади. Бунда, албатта, тасвирланаётган нарса-ҳодиса жуда ҳам деталлаштирилган ҳолда ўз ифодасини топади, тасвир қуюқлашади: *Ниҳоят, мастлик билан ва ҳам - ўтакетган ҳайвонлардагина бўладиган олчоқ, очкўз, мечкай ва ялмовчи ҳис билан! - кўзи кўр бўлиб, ҳушёр вақтда қарасанг, кўнгил айнийдиган биттасини илинтиради...* (Чўлпон, 1993: 117-118). *Эртадан-кечгача кундошлари билан ўйнашади, гапирди, ашула қилади, кулади, кулдиради, тегишади, ҳазил қилади, қитиқлайди, қочади, қувлайди, қувлашади* (Чўлпон, 1993: 238).

Чўлпон яна баъзи ҳолларда маънони фавқулодда кучайтириш мақсадида муайян бир контекстуал маънодошлик қаторига фақат сўзларнигина эмас, балки сўз бирикмалари, иборалар ва ҳатто гапларни ҳам тиза билади. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *“Ҳамма балони ўша қилди” дердилар, ўзи ҳам жуда бўқилиб, нима қилишини билмай, ўтирадиган жой тополмай юрар эканмиш* (Чўлпон, 1993: 163). *Ватанингиз - ота-онангиз ўтган, ўз киндигингиздан қон тўкилган, ота-она арвойига шам ёқиладиган жой эмасми?* (Чўлпон, 1993: 13). *Бутун гурури синди, гердайиши поймол бўлди, севинчи сўнди, юзи сўлди, лаблари хазон рангига бўялди, умидлари узилди, оёқлари зўрга-зўрга судралиб жиладиган ҳолга келди* (Чўлпон, 1993: 43).

Чўлпоннинг шоирлик истеъдоди насрда маънодош сўзларни катта маҳорат билан қўллашида ҳам мана-ман деб туради, маънодош сўзлар бадий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қуйилиб келаверади. Шунинг учун ҳам романда маънодош сўзларнинг лисоний-эстетик имкониятлари гўзал бир шаклларда намоён бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дюбуа Ж., Пир Ф., Тринон А. и др. Общая риторика. – Москва: Прогресс, 1986.
2. Колшанский Г. В. Контекстная семантика. – Москва: Наука, 1980.

3. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
4. Туранский И. И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. – Москва, 1990.
5. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.
6. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан. 1981.
7. Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. 2-ж. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.